



«ТАСДИҚЛАЙМАН»

Хоразм вилоят статистика

бошқармаси бошлиғи

 Х.Мадаминов  
«» 2018 йил



Турмуш даражаси статистикаси  
ва уй хўжаликлари кузатувли бўлими  
НИЗОМ

**1 боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом Хоразм вилоят статистика бошқармасининг турмуш даражаси ва статистикаси ва уй хўжаликлари кузатувлари бўлмининг (кейинги ўринларда бўлим деб аталади) мақоми, асосий вазифалари ва функциялари, хукуқ ва мажбуриятлари, шунингдек, унинг фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Бўлим Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 31 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3165-сон қарорига мувофик ташкил этилган ва Хоразм вилоят статистика бошқармасининг (кейинги ўринларда Бошқарма деб аталади) таркибий бўлинмаси хисобланади.

3. Бўлим ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Ўзбекистон Республикасининг “Давлат статистикаси тўғрисида”ги қонуни ва бошқа конунларига, Олий Мажлиснинг норматив қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Вазирлар Махкамаси қарорлари ва фармойишларига, “Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси тўғрисида”ги Низомга, мазкур Низомга, шунингдек бошқа қонун ҳужжатларига амал қиласди.

4. Бўлим ахоли турмуш даражаси статистикаси ва уй хўжаликлари кузатувлари масалалари бўйича фаолиятини Давлат статистика қўмитаси марказий аппаратининг таркибий бўлинмалари, Қорақалпогистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар статистика бошқармалари, туманлар ва шаҳарлар статистика бўлимлари (кейинги ўринларда худудий статистика органлари деб аталади) билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади.

5. Бўлим ўз фаолиятини Хоразм вилоят статистика бошқармаси раҳбарлигига амалга оширади.

Бўлим ўз ваколатига кирувчи масалалар бўйича бошқарманинг ижтимоий статистика бўйича ўринбосарига бўйсунади.

## 2 боб. Бўлимнинг вазифалари ва функциялари

6. Кўйидагилар бўлимнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

аҳоли турмуш даражаси статистикаси қисми бўйича Давлат статистика ишлари дастури, Давлат статистика ишлари дастурини ишлаб чиқариш дастури, методологик ишлар режа-жадвалининг бажарилиши таъминлаш;

аҳоли турмуш даражаси статистикаси бўйича сўровларни ва бошқа кузатувларни ташкил этиш ва ўтказишни таъминлаш;

аҳоли турмуш даражаси статистикаси бўйича мамлакатдаги энг муҳим ижтимоий ҳодиса ва жараёнларнинг дастлабки статистик таҳлилларини олиб бориш;

аҳоли турмуш даражаси статистикаси бўйича ўтказилган танланма кузатувлар натижаларининг тезкорлиги, ишончлилиги ва холислигини, статистик ахборотларнинг қулайлиги, очиқ-ойдинлиги ва ошкоралигини кенгайтириш бўйича чора-тадбирларнинг амалга оширилишини таъминлаш;

ишончли давлат статистика маълумотларини тақдим этишда уй хўжаликлари респондентларига ҳар томонлама кўмаклашиш, статистик маълумотларни тақдим этиш соҳасида ҳукуқий маданиятни оширишда иштирок этиш, статистик назоратни амалга оширишнинг замонавий усулларини жорий этиш;

аҳоли турмуш даражаси статистикаси бўйича олинган статистика маълумотларининг махфийлиги, давлат сирларига эга бўлган статистика маълумотларининг химоя қилинишини таъминлаш;

умумэътироф этилган халқаро стандартларга мувофиқ статистик метамаълумотлар тизимини яратиш ва ривожлантириш ишларида иштирок этиш;

тавсия этилган халқаро стандартлар асосида статистикада сифатни бошқариш тизимини жорий этиш ва ривожлантириш;

г) белгиланган тартибда давлат органлари, юридик шахслар, халқаро ташкилотлар ва аҳолини статистика ахборотлари билан таъминлаш соҳасида:

миллий ва хорижий фойдаланувчиларнинг кенг оммаси учун статистик ахборотларнинг максимал даражада очиқ-ойдинлиги ва ошкоралигини, республикада аҳоли турмуш даражаси ва кузатувлари статистикаси бўйича кўрсаткичлари ва материалларини халқаро статистик тўпламларда чоп этишни кўшган ҳолда, халқаро статистик ташкилотлар билан ҳамкорликни кенгайтиришни таъминлаш;

оммавий ахборот воситаларида жойлаштириш учун республика аҳолиси турмуш даражаси тенденцияларини тавсифловчи комплекс таҳлилий докладлар,

пресс-релизлар ва мақолалар тайёрлаш, аҳоли турмуш даражаси статистикаси бўйича тарқатилаётган статистик маълумотларга таҳлилий ва маълумотнома материаллар мажбурий тартибда илова қилинишини таъминлаш;

аҳоли турмуш даражасига тегишли қисми бўйича республика иқтисодиётининг ривожланиш ҳолати, иқтисодиётни ривожлантириш ва ислоҳ килиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган қарорларнинг амалга оширилиши ҳолати тўғрисидаги йиллик ва чораклик статистик ва таҳлилий материалларни тайёрлаш ва белгиланган тартибда тақдим этиш;

аҳоли турмуш даражаси статистикаси бўйича очиқ статистик маълумотларни давлат статистика органлари, бошқа давлат органлари, халқаро ташкилотлар нашрларида жойлаштириш йўли билан тарқатиш ва барча фойдаланувчиларга статистик маълумотлардан фойдаланиш учун тенг имкониятларни таъминлаш;

хорижий статистика органлари билан аҳоли турмуш даражаси статистикаси бўйича очиқ статистик ахборотларни алмашиб, республиканинг ривожланиши тўғрисида материалларни халқаро статистик тўпламларда чоп этиш учун ахборотларни тайёрлаш ва тақдим этишни таъминлаш;

аҳоли турмуш даражаси бўйича Давлат статистика қўмитасининг маълумотлари асосида оммавий ахборот воситаларида таҳлилий лавҳалар, диаграммалар ва графикларни кенг намойиш қилиш, статистик нашрларга кўрсаткичларни визуаллаштиришнинг илгор усусларини жорий этиш йўли билан алоҳида статистик кўрсаткичлар тўғрисида аҳолини хабардор қилиш бўйича чораларни кўриш;

статистика кузатувлари ва расмий статистика ахборотлари масалалари бўйича ахборот-тушунтириш ишларини олиб бориш;

7. Бўлим ўз зиммасига юкланган вазифаларни бажариш учун қуидаги функцияларни амалга оширади:

Давлат статистика ишлари Дастури ҳамда статистика ишларини ишлаб чиқариш дастурида аҳоли турмуш даражаси статистикаси бўйича белгиланган ишларнинг тўлиқ ва муддатларида бажарилишини таъминлайди;

давлат статистика қўмитаси бошқармалари, бўлимлари ҳамда худудий статистика органларининг аҳоли турмуш даражаси статистикасига оид ахборотларни шакллантириш бўйича ишларини ташкил этиш ҳамда мувофиқлаштириш ишларини амалга оширади;

аҳоли турмуш даражаси статистикаси соҳасидаги ижтимоий-иқтисодий ҳодисалар, жараёнлар ва уларнинг натижалари тўғрисидаги статистика

ахборотларини йигади, қайта ишлайди, тўплайди, саклайди, умумлаштиради, таҳлил килади ва эълон килади;

аҳоли турмуш даражаси статистикаси бўйича кўрсаткичларнинг ишончлилигини, холислигини ва комплекслилигини таъминлайди;

давлат органларини, юридик шахсларни, халқаро ташкилотларни ва аҳолини статистика ахборотлари билан белгиланган тартибда таъминлайди;

Бўлим белгиланган тартибда ўзига юкланилган бошқа функцияларни хам амалга оширади.

### **З боб. Бўлимнинг ҳукуқлари ва жавобгарлиги**

8. Бўлим ўзига юкланилган вазифалар ва функцияларни бажариш учун куйидаги ҳукуқларга эга:

Аҳоли турмуш даражаси статистикаси бўйича давлат ва хўжалик бошқаруви органларидан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан, банклардан, бошқа юридик шахслардан (зарур ҳолларда – уларнинг ваколатхоналари ва филиалларидан) белгиланган тартибда давлат статистика ҳисботини олиш ҳамда ундан статистика мақсадларида фойдаланиш;

Давлат статистика қўмитаси марказий аппарати бўлинмалари ва худудий статистика органларидан ўзига юкланилган вазифалар ва функцияларни бажариш учун зарур материаллар ва маълумотларни белгиланган тартибда сўраш ва олиш;

Давлат статистика қўмитаси раҳбариятига аҳоли турмуш даражаси статистикаси самарадорлигини ошириш юзасидан таклифлар киритиш;

давлат статистикаси соҳасида меъёрий-ҳукуқий базани ривожлантириш ва такомиллаштиришда, статистик кузатувлар методологияси ва методикасини ишлаб чиқишида иштирок этиш;

давлат статистика ишлари Дастурига асосан статистика ишларини ўз муддатларида бажарилишини таъминлаш;

Аҳоли турмуш даражаси статистикаси бўйича кузатув шаклларининг тўлиқлигини таъминлаш, йигиши ва қайта ишлаш муддатларини қисқартириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш;

методик материалларнинг тан олинган халқаро стандартларга, бошқа хужжатларнинг Ўзбекистон Республикаси “Давлат статистикаси тўғрисида”ги Конуни, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистикаси қўмитаси тўғрисидаги Низом ва давлат статистикаси соҳасидаги бошқа меъёрий-ҳукуқий хужжатлар талабларига мослигини экспертизадан ўтказиш ва зарур ҳолларда қайта кўриб чиқиш;

Бўлим фаолиятига тегишли масалалар бўйича конференциялар, семинарлар ва йигилишлар, шу жумладан халқаро йигилишлар ишида, шунингдек халқаро лойихаларда иштирок этиш.

9. Бўлим қўйидагилар учун жавоб беради:

ўзига юқлатилган вазифаларнинг лозим даражада ва самарали бажариш;

ваколатига кирувчи таҳлилий ва бошқа материалларни юқори даражада тайёрлаш;

давлат статистикаси тамойилларига амал қилиш, илгор халқаро амалиётга мувофиқ фойдаланилаётган усуллар ва методикаларни доимий равишда такомиллаштириш;

Бўлим ходимлари томонидан месъёрий-хукукий хужжатларга мувофик ижро интизомини таъминлаш.

#### **4 боб. Бўлимнинг тузилмаси**

10. Бўлимнинг тузилмаси ўз ичига бўлим бошлигини, бош мутахассис, етакчи мутахассис ва мутахассис интервьюерларни олади.

11. Бўлим бошлиғи, бош мутахассис, етакчи мутахассис ва мутахассис интервьюерлар бошкарма бошлиғи томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод қилинади.

Бўлим:

бошқарманинг тегишли бўлинмалари билан биргаликда турмуш даражасининг долзарб масалалари бўйича оммавий ахборот воситаларида пресс-релизлар ва мақолалар тайёрлаш, ҳисбот даври учун республиканинг ижтимоий-иктисодий ривожланишини тавсифловчи таҳлилий маълумотлар тайёрлаш;

Вилоят бўйича аҳоли турмуш даражасида юз бераётган ўзгаришлар ва жамият томонидан қўпроқ талаб қилинаётган статистик маълумотларни вилоятнинг расмий веб сайтида жойлаштириб бориш, улар бўйича диаграмма ва графиклар тайёрлаш амалиётини кенгайтириш;

статистик маълумотларни чоп этишда кўрсаткичларни намойиш қилишнинг илғор тажрибаларни (тоифалаштирилган графиклар, маълумотлар қамровини кенгайтириш, инфографика ва бошкалар) тадбик этиш;

аҳоли турмуш даражаси статистикаси бўйича жамланма таҳлилий жадваллар, маъruzалар, ҳисботлар ва статистик тўпламлар, халқаро саволномалар учун маълумотлар тайёрлаш;

аҳоли турмуш даражаси статистикаси бўйича йиғма таҳлилий ахборотларни шакллантириш бўйича қабул килинган услубий хужжатларни амалиётда кўлланилишини таъминлаш.

аҳоли турмуш даражаси статистикаси фаолияти бўйича услугиятларни такомиллаштириш масалалари бўйича таклифлар бериш;

аҳоли турмуш даражаси статистикаси оид кўрсаткичларни сифатини янада ошириш мақсадида статистик таҳлил усулларидан фойдаланиш бўйича бўлим мутахассислари малакасини оширишда амалий ёрдам кўрсатиш, жойларда семинарлар ташкил этиш.

### **5 боб. Бўлим фаолиятини ташкил этиш**

13. Бўлим фаолияти Ўзбекистон Республикасининг “Давлат статистикаси тўғрисида”ги қонуни, Вазирлар Маҳкамаси томонида тасдиқланадиган Давлат статистика ишлари дастури, Давлат статистика қўмитаси томонидан тасдиқланадиган Давлат статистика ишларини ишлаб чиқариш дастури, Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси тўғрисидаги Низом, мазкур Низом, Давлат статистика қўмитаси раисининг буйруқлари ва топшириқларига мувофиқ, шунингдек Давлат статистика қўмитасининг иш режалари, Бошқарманинг иш режалари ва бўлим ходимларининг функционал вазифалари асосида ташкил этилади.

Бўлимнинг иш режаси Бошқарма бошлиги томонидан тасдиқланадиган Давлат статистика қўмитасининг иш режалари асосида шакллантирилади.

Ходимларининг функционал вазифалари Бошқарма бошлиги томонидан бўлимга юклangan вазифалардан келиб чиқсан холда тайёрланади ва бошлиқ ўринbosари томонидан тасдиқланади.

### **14. Бўлим бошлиғи:**

Бўлимга бевосита раҳбарликни амалга оширади, бўлим мутахассисларнинг ишини ташкил қиласи, бўлимга юклangan вазифа ва функцияларнинг лозим даражада бажарилиши, ижро ва меҳнат интизомининг ҳолати учун шахсан жавоб беради;

Бўлимнинг тасдиқланган тузилмаси ва штат жадвалига мувофиқ лавозимларга тавсия қилинган номзодлар, ходимларнинг касбий даражаси ва иш малакасини ошириш, уларни рағбатлантириш ва жазолаш чоралари бўйича таклифларни пухта ишлаб чиқади ва раҳбариётга кўриб чиқиш учун киритади;

Бўлимнинг иш режаси лойиҳасини ишлаб чиқади ва назорат қилувчи бошлиқ ўринbosарига тасдиқлаш учун киритади;

Бўлим ходимлари ва мутахассислари ўртасида вазифаларни тақсимлайди;

Бошқарманинг йиғилишлари ва мажлисларида, шунингдек Давлат статистика қўмитаси раҳбариётининг топшириғига биноан Бошқарма юритадиган соҳага кирувчи масалалар бўйича идоралараро ишчи гурухлар ва кенгашлар фаолиятида қатнашади;

Бўлим ишининг самарадорлиги даражасини ошириш ва кадрлар билан тўлдириш чораларини кўради;

Бўлим ходимлари билан олдига қўйилган вазифалар, кирувчи ҳужжатларни назорат қилиш ва тажриба алмасиши масалалари бўйича йўрикнома йигилишлар ўтказади;

иш юритишини олиб бориш, топширикларни ўз вақтида ижро этилишини қатъий назорат қилиш бўйича ишларни ташкил қилиш, ходимлар томонидан хизмат ҳужжатлари билан ишлаш ва уларни сақлаш бўйича ишларнинг белгиланган тартибига амал килинишини таъминлайди.

Уй хўжаликлари танловини амалга ошириш учун зарур бўлган маълумотларни тайёрлаш, саволнома ва бошқа сўров хўжжатлари бўйича бирламчи статистика маълумотларини йигиши, уларнинг назорати, компьютерга киритиш ва маълумотлар базасини электрон кўринишида тақдим этиш ишларини амалга оширади;

Интервьюерлардан қабул қилиб олинган саволнома ва маълумотларнинг хаққонийлигини ўрганади, маълумотлар сифатини таъминлаш мақсадида мунтазам равишда уй хўжаликларига ташриф буюрган ҳолда назорат ишларини олиб боради;

Бўлим бошлиги вақтинчалик бўлмаган тақдирда унинг вазифасини бўлимнинг бош мутахассиси бажаради.

### **15. Бўлим бош мутахассиси:**

функционал вазифаларига мувофиқ материаллар, таклифлар ва ҳужжат лойиҳаларининг сифатли, ишончли ва ўз вақтида тайёрланиши учун шахсан жавобгар;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, фармойишлари ва протокол топширикларидан келиб чикадиган давлат статистика органлари вазифаларини амалга ошириш бўйича бошқарма бўлимларининг таклифларини умумлаштиради;

Уй хўжаликлари танловини амалга ошириш учун зарур бўлган маълумотларни тайёрлаш, саволнома ва бошқа сўров хўжжатлари бўйича бирламчи статистика маълумотларини йигиши, уларнинг назорати, компьютерга киритиш ва маълумотлар базасини электрон кўринишида тақдим этиш ишларини амалга оширади;

Интервьюерлардан қабул қилиб олинган саволнома ва маълумотларнинг хаққонийлигини ўрганади, маълумотлар сифатини таъминлаш мақсадида мунтазам равишда уй хўжаликларига ташриф буюрган ҳолда назорат ишларини олиб боради;

илмий журналлар, халқаро ташкилотларнинг методологик нашрлари ва Интернет тармогидаги материаллар асосида статистика соҳасидаги илғор хорижий тажрибани ривожлантириш ва статистика амалиётига жорий этиш бўйича таклифлар тайёрлайди;

бўлим бошлигининг топшириғига мувофиқ жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини, шу жумладан электрон шаклдаги мурожаатларни,

кўриб чиқиш учун зарур материалларни тайёрлайди, уларда кўрсатилган масалаларни ҳал қилиш лойиҳасини тайёрлайди;

раҳбариятнинг топширикларига мувофиқ жорий ишларни бажаради;

бўлим бошлиғи бўлмаган вақтда унинг вазифаларини бажариш, бўлим ишларини мувофиқлаштириш ва бўлимга юқлатилган вазифалар, мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш ва бошқарма фаолиятини, ижро ва меҳнат интизоми ҳолатини назорат қилиш ишларини амалга оширади;

вазифалар тақсимланишига мувофиқ бошқа функцияларни амалга оширади.

#### **16. Бўлим етакчи мутахассиси:**

функционал вазифаларига мувофиқ материаллар, таклифлар ва хужжат лойиҳаларининг сифатли, ишончли ва ўз вақтида тайёрланиши учун шахсан жавобгар;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, фармойишлари ва протокол топширикларидан келиб чиқадиган давлат статистика органлари вазифаларини амалга ошириш бўйича бошқарма бўлимларининг таклифларини умумлаштиради;

Уй хўжаликлари танловини амалга ошириш учун зарур бўлган маълумотларни тайёрлаш, саволнома ва бошқа сўров хужжатлари бўйича бирламчи статистика маълумотларини йиғиш, уларнинг назорати, компьютерга киритиш ва маълумотлар базасини электрон кўринишда тақдим этиш ишларини амалга оширади;

Интервьюерлардан қабул қилиб олинган саволнома ва маълумотларнинг хақконийлигини ўрганади, маълумотлар сифатини таъминлаш мақсадида мунтазам равишда уй хўжаликлари ташриф буюрган ҳолда назорат ишларини олиб боради;

бўлим бошлигининг топширигига мувофиқ жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини, шу жумладан электрон шаклдаги мурожаатларни, кўриб чиқиш учун зарур материаллар ва уларда кўрсатилган масалаларни ҳал қилиш бўйича таклифлар тайёрлашда иштирок этади;

иш юритишни олиб боради, Бошқармада хужжатларнинг ўтиш тартибини ташкил қиласди, хужжатларни архивда сақлаш учун тайёрлаш ва ўз вақтида топширишни таъминлайди;

раҳбариятнинг топширикларига мувофиқ жорий ишларни бажаради;

вазифалар тақсимланишига мувофиқ бошқа функцияларни амалга оширади.

#### **17. Бўлим мутахассислари (интервьюерлар):**

Уй хўжаликлари танловини амалга ошириш учун зарур бўлган маълумотларни тайёрлаш, саволнома ва бошқа сўров хужжатлари бўйича бирламчи статистика маълумотларини йиғиш, уларнинг назорати, компьютерга киритиш ва

маълумотлар базасини электрон кўринишда тақдим этиш ишларини амалга оширади;

Белгиланган тартибда ўзларига биритирилган шаҳар ва туманларнинг уй хўжаликларида сўровлар ўтказиш;

раҳбариятнинг топширикларига мувофиқ жорий ишларни бажаради; вазифалар таҳсиланишига мувофиқ бошқа функцияларни амалга оширади.

Бошқарма бошлиғининг  
ўринбосари



А.Рахимов

Бошқарма юрисконсульти



У.Бекдурдиев

Бўлим бошлиғи



М.Худайберганов